

Омонат



07:00 / 28.01.2019 3453

Ҳишом ибн Холид ар-Робъий айтади: «Бир куни масжидга кирдим. Ёнимдаги ҳамёнимда минг дирҳам пулим бор эди. Шундан бошқа пулим йўқ эди. Ҳамёнимни масжиднинг бир четидаги устуннинг олдида қўйиб, намоз ўқидим. Намозни ўқиб бўлгач, ҳамённи унутиб, масжиддан чиқиб кетаверибман. Жуда қийин аҳволга тушдим. Лекин бу воқеани ҳеч кимга айтмадим.

Орадан бир йил вақт ўтди.

Бир куни масжидга бориб ўша устуннинг ёнида намоз ўқидим. Намозни ўқиб бўлгач, Аллоҳ таолога дуо қилиб, ҳамёнимни қайтишини сўрадим. Шу пайт қарасам, ёнимда бир кампир гапимни эшитиб турган экан. У менга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, гапингни эшитиб қолдим, нима бўлди?», деди. «Бир йил олдин мана шу устуннинг олдида ҳамёнимни унутиб қолдирган

эдим», дедим. Кампир: «Ўша нарса менда, бир йилда бери сени кутяпман», деди ва ҳамёнимни тўлиқлигича олиб келиб берди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан